

Бишкекда “Замонавий дунёвий давлатда ислом” II Халқаро конференцияси давом этмоқда



11:14 / 16.11.2018 2164

Куни кеча Бишкекда Қирғизистон Президенти ҳомийлигида “Замонавий дунёвий давлатда ислом” мавзусидаги II халқаро конференция ўз ишини бошлади.

Конференциянинг мақсади соҳадаги муҳим масалаларни муҳокама этиш, мусулмон жамиятларидаги муносабатларни уйғунлаштириш бўйича зарур ёндашувларини излаб топиш, диний соҳада демократик бошқарув таъсирчанлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда диний радикализм ва экстремистик ғоялар ҳақида жамиятни огоҳлантиришдан иборат.

Йиғилишда Осиё, Африка, Европа ва Америка мамлакатларидан диний, радикализм ва экстремизм хавфидан огоҳлантирувчи академик ва эксперт уюшмалари ҳамда мутасадди давлат органлари вакиллари иштирок этишмоқда, деб ахабар беради ummamag.kg интернет нашри.

Қирғизистон Дин ишлари бўйича давлат қўмитасининг айтишича, конференция доирасида диний таълимнинг модели, диний мавзуларни ОАВ ва интернетда ёритиш масалалари ҳамда ёшлар ва хотин-қизларнинг

бу борадаги ўрни ва роли муҳокама этилади.

Мазкур конференция илк марта ўтган йили Бишкекда бўлиб ўтган эди. Унда Қирғизистон ва хориж давлатлардан машҳур илоҳиёт ва диншунослар иштирок этишганди. Конференция доирасида “Замонавий дунёвий давлатларда исломнинг роли ҳақида Бишкек декларацияси” қабул қилинган эди.

Конференция бугун ҳам ўз ишини давом эттирмоқда.

Islam.uz портали таҳририяти